

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 300-ҳадис

300 - وَعَنْ أَبِي مَسْعُودٍ الْبَدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا أَنْتَقَ الرَّجُلُ عَلَى أَهْلِهِ يَحْتَسِبُهَا فَهُوَ لَهُ صَدَقَةٌ». مُتَّقَقٌ عَلَيْهِ. [خ 55، م 1002].

300. Абу Масъуд ал-Бадрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам: **«Агар киши ўз аҳли-оиласига савоб умидида нафақа қилса, бу унга садақадир»**, дедилар».

Муттафақун алайх.

Шарҳ: Эрларнинг ўз аёлларига нафақа қилишлари, оила таъминотини зиммаларига олишлари Қуръон, Суннат ва Ижмөъ бўйича вожибдир. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб, айтади:

Яъни: **“Аёлларни маъруф билан ризқлантириш ва кийинтириш ота зиммасидадир”**.

“Маъруф” билан деганда ифрат ва тафритга, яъни ҳаддан ошиш ва камчиликка йўл қўймаган ҳолда, одамлар ичида урф бўлган миқдорда, эл қатори едириб ичириш ва кийинтириш тушунилади. Аёл киши эрига ўзидан фойдаланишга имкон берганлиги, эрининг сўзига итоаткорлиги, унинг уйида қўним топиб, уй ишларини бошқариши, фарзандларни тарбия қилиб, парваришлаши учун ҳам шундай нафақага лойик бўлган.

Манба: hadis.islom.uz



